

## КЎЗ ҚОВОҒИ ЭПИТЕЛИАЛ ЎСМАЛАРИ.

**Эсамуратов Ойбек Ибрагимович., Раджапов Адилбек Анварбекович.,  
Каримов Расулбек Хасанович., Худайбергенов Гуломбой Ўринович.,  
Якубов Алибек Баходирович.  
Урганч давлат тиббиёт институти.**

**Мавзунинг долзарблиги:** Бугунги кунда офтолмологик касалликлар ичида кўз қовоғи эпителиал ўсмалари барча кўз қовоғи ўсмаларининг тахминан 85–90 % ни ташкил қилади. Улар орасида яхши сифатли ўсмалар ҳам кўпчиликини ташкил этса-да, ёмон сифатли ўсмалар (айниқса базал хужайрали рак) клиник амалиётда тез-тез учрайдиган касалликлардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, қуёш нурланиши, экологик омиллар, инсон организмидаги иммунитет пасайиши ва ёш омиллари ушбу ўсмалар ривожланишида муҳим аҳамиятга касб этади. Шу сабабли, эпителиал ўсмаларнинг морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини чуқур ўрганиш эрта ташхис ва самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишда муҳим роль ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг клиник, морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг диагностик аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Тадқиқот материали сифатида кўз қовоғи ўсмалари билан жаррохлик амалиёти бажарилган беморлардан олинган биопсия ва жаррохлик амалиётдан кейинги материаллари ўрганилди. Гистологик текширув, гематоксилин-эозин билан бўйаш, иммуногистокимёвий таҳлилда Ki-67, p53, СК (цитокератинлар) каби маркерлар қўлланилди. Морфометрик кўрсаткичлар микроскопик рақамли дастурлар ёрдамида баҳоланди.

**Тадқиқот натижалари:** Олинган тадқиқот натижаларига кўра, кўз қовоғи эпителиал ўсмалари ичида энг кўп учрайдиган тури базал хужайрали рак бўлиб, у асосан кекса ёшдаги беморларда кузатилди. Яхши сифатли ўсмалардан папиллома, кератоакантома ва себорей кератозлар устунлик қилди. Морфологик жиҳатдан ёмон сифатли ўсмаларда хужайра атипияси, митозлар сонининг ошиши, базал мембрананинг бузилиши аниқланди. Ki-67 экспрессиясининг юқори даражада бўлиши ўсманинг пролифератив фаоллигини кўрсатди. p53 маркерининг ортиши эса генетик шикастланиш ва малигнизация жараёнлари билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

**Хулоса:** хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 1. Кўз қовоғи эпителиал ўсмалари орасида базал ҳужайрали рақ энг кўп учрайдиган ёмон сифатли ўсма ҳисобланади. 2. Морфологик ва иммуногистокимёвий текширувлар эрта ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга. 3. Кi-67 ва p53 каби маркерлар ўсманинг пролифератив фаоллиги ва малигнизация даражасини баҳолашда ишончли кўрсаткичлар ҳисобланади. 4. Олинган натижалар клиник амалиётда дифференциал ташхис ва даволаш тактикасын такомиллаштиришга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Shields J.A., Shields C.L. *Eyelid tumors: diagnosis and management*. – Philadelphia, 2017.
2. Cook B.E., Bartley G.B. Epidemiologic characteristics and clinical course of patients with malignant eyelid tumors.
3. WHO Classification of Skin Tumours, 5th edition.
4. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
5. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Safarboevich RS. RELATIONSHIP OF OTHER TYPES OF DISEASES WITH EYE DISEASES. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. 2024;2(1):29-35.
6. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Tulibaevna RD, Safarboevich RS. RATE OF GLAUCOMA IN PENSION AGE CITIZENS (2023 in the example of the city of Urganch). International Journal of Alternative and Contemporary Therapy. 2024;2(1):4-7.